ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ: АНЪАНАЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР»

мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани

(Самарқанд, 12-13 ноябр 2015 йил)



...yunuvchi inklyuziv kabi pedagogik texnologiyalarning yo'nalishlari shakllangan. Ularning ...rovi yuqorida tilga olingan uch xil darajada bo'lishi mumkin. Umumpedagogik texnologiya ...yo ta'lim tizimining barcha ilg'or va samarali elementlarini o'zida jo etadi va keng ...mda amalga oshiriladi. Bizning amaldagi uzluksiz va yagona ta'lim tizimimizda ...mpedagogik texnologiya etakchi o'rinni egallaydi. Ta'lim turlari va yo'nalishlari, ixtisoslik ...mutaxassislik tasnifi hamda ta'lim muassasasining o'ziga xosligi asosida xususiy ...ologiya joriy etiladi. O'qitishning asosiy tashkiliy shakli bo'lgan dars va uning bevosita ...omi bo'lgan darsdan tashqari ishlarda kichik texnologiyalar qo'llaniladi hamda ular lokal ...halliy) pedagogik samaraga olib borishi lozim.

Pedagogik texnologiya va pedagogik faoliyat hamda o'qituvchi professiogrammasi bir ...un jarayon yoki hodisa tarzida tasavvur qilinadi. Shu nuqtai nazardan, pedagogik ...nologiya va pedagogik mahorat o'zaro qondosh-egizakdir. Pedagogik texnologiyani o'qitish ...ayonida qo'llash-sifat va samaradorlikning yetakchi omillaridan biridir. Pedagogik ...nologiya - eng murakkab jarayon, ya'ni insonning ta'lim-tarbiyasi bilan shug'ullanishda ...siy vosita bo'lganligi tufayli ham uning tarixiy, nazariy, ijtimoiy, falsafiy, metodologik, ...dagogik, didaktik, fiziologik, gigienik, iqtisodiy, mafkuraviy, huquqiy-me'yoriy, ...aliy va boshqa asoslari insoniyat jamiyatiga samarali xizmat qilib kelmoqda. Bunday ...mkorlikni uzviy va uzluksiz ravishda davom ettirish ta'lim tizimini takomillashtirish va uning ...zmunini chuqurlashtirish hamda ko'pgina tashkiliy-tarbiyaviy ishlar bilan bog'liqdir. Ikkinchi ...mondan esa, bevosita ushbu masalani amalga oshirishga burchli bo'lgan pedagog kadrlar ...xirasini shakllantirish va ularni zamon talablari bilan hamnafas tarzda kasbiy faoliyat ...ritishga tayyorlash - davlat va jamiyat oldidagi ulkan ijtimoiy vazifadir.

ИНСОН КАПИТАЛИ - ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

С.Ў.Ҳусенов – СамИСИ, ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада инсон капитали тушунчасининг шаклланиш тарихи, унинг мазмуни бўйича турли қарашлар тизими ва ҳозирги шароитда иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти қараб чиқилган. Унда инсон капиталининг умумий капиталдаги ўрнига эътибор қаратилган .*

Калитли сўзлар: *ишчи кучи, инсон капитали, уй хўжалиги, индивидуал инсон капитали, корпаратив инсон капитали, миллий инсон капитали.*

Жамиятда иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва ўзлуксиз ривожланиши унга мос равишда доимо илмий-техникавий тараққиётни ҳам олиб келмоқда. Одамлар ўз истемоли ва алмашинуви учун маҳсулот яратиш мақсадида аввало оддий меҳнат қуролларидан фойдаланган бўлса, аста-секин бу қуролар такомиллашиб, механик қурилмаларга, машиналарга, автоматлаштирилган тизимларга айланиб борди.

Бугунга келиб автоматлаштирилган тизимлардан ҳам юқори рақамлаштириш босқичига ўтилди. Ишлаб чиқаришни механизациялаш, саноатлаштириш ёки автоматлаштириш жараёнларида технологиялар иккиламчи ўринда тўради, яъни ушбу омиллар маълум бир товар ёки маҳсулотни ишлаб чиқаради ёки бу жараёнга кумаклашади. Ушбу технологиялар корхоналар балансида моддий актив холида намоён бўлади. Фақат уларни самарали ишлатиш билан боғлиқ маълумотлар ёки билимларгина балансда номоддий актив сифатида ифодаланади.

Иқтисодиётни ҳозирги ривожланиш босқичи, бошқа иқтисодий тизимлардан фарқли равишда, айнан номоддий ҳолдаги активлар яъни дастурий таъминотлар, ахборот ресурслари, интелектуал билимлар, электрон ресурсларни яратиш ишлаб чиқаришнинг билимларга асосланган янгича усулига айланиб бормоқда, ахборот, билимлар эса иқтисодий категория сифатида шаклланмоқда.

Америкалик олим Даниел Белл[1] саноатлашган иқтисодиётдан кейинги иқтисод ҳақида тўхталиб, бу иқтисодиётда етакчи ўринда тадбиркорлар ёки корхона эгалари эмас, балки олимлар, билимларга асосланган янги технологиялар яратувчилар туришини таъкидлаган эди. Бу иқтисодиётда ишлаб чиқариш ресурси сифатида ахборот ва билимлар майдонга чиқади, иқтисодиётни харакатга келтирувчи куч бўлиб илмий кашфиёт ва ишланмалар хизмат килади. Бундай янги иқтисодий тизимнинг юксалиши марказида албатта инсон капитали ва унинг сифат даражаси туради.

Шу туфайли мазкур мақолада асосий эътиборни инсон капиталининг шаклланишининг кискача тарихи, ушбу тушунчани мазмуни ва мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнига эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Инсон капитали концепсиясини шаклланиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак бу концепсияни пайдо бўлиши мумтоз иқтисодиёт назариясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Бу концепсия иқтисодиётнинг мумтоз номоёндаларидан ҳисобланган У.Петти, А.Смит, Д.Рекардолар иқтисодиёт илмида илк бор ишчи кучини инсон капитали деб атаганлар. Ишчи кучининг маълумотлилик даражаси мамлакатнинг ва аҳоли бойлигининг ўсишига катта таъсир килади деган ғояларни олга суришган.

У.Петти инсоннинг тирик харакатлантирувчи кучлари категориясини илк бор фанга киритди ва унинг устида тадқиқот олиб борди. У бир томондан инсон кобилиятини миллий бойликни ўсиш омили деб караган бўлса, иккинчи томондан миллий бойликни таркибий қисми деб таъкидлаган[2].

А.Смит инсон кобилиятнинг муваффақиятли ролини ишлаб чиқаришнинг моддий омилларига нисбатан юкори деб ҳисоблаган. У инсон фойдали мехнатини унумдорлигини энг аввало, ишчининг чакконлиги ва малакасига, ундан кейин эса машина ва воситалар ёрдамида ишлайдиган куролларнинг такомиллашувига боғлиқ деб таъкидлаган[3].

Д.Рекардо эса мамлакатнинг иқтисодий ўсишида инсон билими мухим роль уйнайди деб айтган.[4] Бундан ташқари немис иқтисодчи олими Фредрес Лист "Миллатнинг бойлигини манбаи "Ақлий капитал"дир деб ҳисоблаган. У инсон фаровонлигини барча бойликларни миқдори билан эмас балки, бу бойликларни яратувчиси ҳисобланмиш ишчи кучи билан белгиланади деган[5].

Ушбу келтирилган тарихий маълумотлардан куриниб турибдики инсон капитали тушунчаси иқтисодий категория сифатида шакллангунча жуда катта тарихий масофани босиб ўтган. Эътибор берадиган бўлсак ушбу тушунчанинг вужудга келишининг илк даврларида мехнатга лаёқат ва кўникма билан чегараланиб колган. Узок вақтлар давомида инсон капитали ижтимоий омил сифатида каралган, иқтисодий нуқтаи назардан эса таълим-тарбияга инвестиция моддий аҳамият касб этмаганлиги сабабли харажат деб ҳисобланган.

20 асрнинг иккинчи ярмида инсон ва унинг салоҳиятларини руёбга чиқариш билан боғлиқ имкониятларни кенгайди ва бунга кўйидаги бир канча омиллар таъсир кўрсатди, яъни илмий-техник тараққиётнинг инқилобий ривожланиши, инсон бойликларини салоҳиятининг мисилсиз ўсиши, глобализация ва халкаро ҳамкорликни мутлоқо янги имкониятларини пайдо бўлиши, демакратия ва бозор муносабатлари кўламини кенгайиши ва бошкалар.

Инсон салоҳиятини руёбга чикариш билан боғлиқ имкониятларни кенгайишига ва ушбу омилларнинг пайдо бўлишига "инсон капитали" назарияси маълум даражада туртки

---

[1] Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. Перевод с английского. Изд. 2-ое, испр. и доп. — М.: Academia, 2004. 120,142 б

2 Петти В. Экономические и статистические работы. – М.: Соцэкгиз, 1940. – 324 с.

[3] Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1956. – С. 490.

[4] Антология экономической классики. Т. 1. – М., 1993. – С. 308.

[5] Хайкин М.М. Управление сферой услуг в развитии человеческого капитала. – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2010. – 53с.

берди. Ушбу назарияга кура инсоннинг ижодкорлик кобилияти, билим ва малакаси иқтисодиётни ва умуман, инсониятнинг бутун тараккиётини харакатлантирувчи асосий кучдир, деган гоя ётган, бу назария доирасида айнан "инсон капитали" тушунчасига асосида илмий тадкикотлар олиб борилди ва турлича таърифлар берилди.

"Инсон капитали" тушунчаси борасида жуда катта тадқиқот олиб борган ва ушбу атамани илк муомилага киритган америкалик олим Т.Шульц булиб хисобланади. У 1963 йилда "инсон капитали" мавзусида дарслик ёзган. Унинг кайд этишича, инсон фаровонлигини ошиши ерга, техника воситаларига эмас, балки унинг билимига боғлик[6]. Инсондаги билимни у "инсон капитали" деб атаган. Унинг бу янгилиги 1979 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган.

Т.Шульц АҚШ иқтисодиётида "инсон капитали"дан олинадиган фойда физик капиталдан ортиклигини исботлаб берди ва ривожланаётган мамлакатлар таълим, соғлиқни сақлаш ва фан сохасига йирик инвеститциялар ажратишни таклиф қилди. Унинг фикрича мазкур соҳаларни ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий ўсиши учун янги фабрика ва заводлар куришдан афзалроқ деб ҳисоблади[7].

Бундан ташкари ушбу мавзуда яна бир америкалик олим Г.Беккер хам илмий изланишлар олиб борган. Г.Беккер инсон хулқ-атворининг ўзига хос "иқтисодий ёндашув"ини ажратиб ўзининг универсал методологик ёндашувини яратишга эришди ва бу янгили учун 1992 йил Нобель мукофоти билан тақдирланган. Унинг таърифига кўра, "инсон капитали – бу, ҳар бир кишида мавжуд билим хазинаси, малака кўлами ва мотивациялар захирасидир. Инсон капиталининг жисмоний капиталдан фарқи шундаги, у алоҳида капитал тури бўлиб, унда ўхшаш ҳаракат қилади. Лекин унда бир катор фундаментал тафовутлар ҳам борки, улар орасида бу капиталнинг ўз эгасидан ажралмаслиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Инсон капиталининг жамғарилиши жисмоний капитал сингари катта харажатларни талаб этади ва бу мураккаб инвестицион жараён билан боғликдир"[8].

Рус олими Р.И. Капелюшников "Инсон капитали деганда, инсонда жамланган кобилият, билим, малака ва мақсадлар захираси", деб тушунган. Шунингдек унинг шаклланиши хусусида гапириб "жисмоний ёки молиявий сармояни жамлаш сингари келгусида қўшимча даромад олиш максадида жорий истеъмолдан маблағларини ажратиб олишни талаб этади"[9], деб таъкидлаган. Р.И.Капелюшников инсон капиталига қўйилган инвестицияларни энг мухим турларига: таълим, ишлаб чикаришга тайёргарлик, миграция, ахборот излаш, ҳаттоки фарзанд кўриш ва уларни тарбиялашни ҳам киритади.

Мамлакатимизда ҳам "инсон капитали"ни ривожлантириш билан боғлиқ фундаментал тадқиқотлар олиб борилиб, илмий ишлар ёзилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан етарли даражада шарт-шароит ва бир канча чора-тадбирлар ишлаб чикилган.

Хусусан, Республикамиз президенти И.А.Каримов ушбу тушунчаси борасида қуйидагиларни айтганлар. "Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар йўлида тинибсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради. Бу омилнинг кучи ва таъсири, энг аввало жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. У аҳолининг билимдонлик даражаси, иш билан бандлиги, касбий малакаси ва бошка кўпгина шарт-шароитлари

[6] Schultz T.W. The Economic Value of Education. N.Y.; Colambia University Press, 1963.
[7] Добрынин А., Дятлов С., Коунов В., Курганский С. Производительные силы человека: структура и формы проявления. — СПб.: Из-во СПбУЭФ, 1993 г. — 163 с.
[8] Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход. . Избранные труды по экономической теории: Пер. с англ. / Сост., науч. ред., послесл. Р.И. Капелюшников; предисл. М.И. Левин. — М.: ГУ ВШЭ, 2003. —90,96 с
[9] Капелюшников Р.И. "Теория человеческого капитала". http://ww//libertarium /10624/lib

орқали шаклланади"[10]. Ушбу фикр орқали Юртбошимиз интелектуал салоҳият, қобилият ва уни ишлатиш мамлакат учун зарурлигини айтиб инсонни интелектуал салоҳияти негизидаги инсон капиталининг нечоғлик муҳимлигини таъкидламоқда.

Шунинг учун ҳам Юртбошимиз бу борада қатий тўхталиб: "Бизнинг вазифамиз, керак бўлса олий бурчимиз- фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан уйғун ривожланган, замонавий билим ва тажрибаларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халкимиз келажаги учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун қўлимиздан келган барча-барча ишларни амалга оширишдан иборат"[11], дея алоҳида таъкидлаган.

Академик С.Ғуломов, профессор Б.Ғойибназаровлар ҳам ўзларининг "Интелектуал салоҳиятдан фойдаланиш- тараккиёт таянчи"[12] мавзусидаги илмий мақоласида, дунё ва Ўзбекистонда инсон капитали омилларини тахлил қилган. Дунёда инсон капитали омиллари согликни сақлаш ва таълимдан иборат бўлса, ўзбек тараккиёт моделида соғликни сақлаш, таълим, илм фан, оила, маҳалла ва тадбиркорлик фаолиятидан иборат эканлиги изоҳлаб берилган.

Республикамизнинг таникли иктисодчилари А.Ўлмасов, А.Ваҳобовлар ҳам "инсон капитали" мавзусида талқиқотлар олиб боришган. Олимларни фикрича "Инсон капитали - бу кишиларнинг ҳаётий неъматлар ҳисобланган товар ва хизматларни яратишга қодир бўлган акл-идроки ва куч кувватидир, уни яратиш харажат талаб қилгани учун у капиталга тенглаштирилади. Бу инсон жисмида жойлашган, ундан ажралмаган ҳолда амал қилувчи жисмоний ва интеллектуал қобилиятининг яхлитлигидир. Уларнинг таъкидлашича уй хўжаликлари иктисодиётни иш кучи билан таъминлайди, бу бозор шароитида инсон капитали, деб юритилади"[13].

Д.Д.Рустамова "инсон капитали"ни янада тўлиқ тарифлаш ва ушбу тушунчага функционал ёндашувни таклиф этган. Бунга кўра фунционал аниклашнинг негизи нафақат ички тузилиш кўринишларини, балки фунционал белгиланиши ва сўнги максадларда фойдаланишни таърифлайди. Шунинг учун ҳам инсон капитали инсон эга бўлган билим, кўникма ва қобилиятларнинг йигиндисигина эмас. Чунки биринчидан, бу тўпланган билим, малака ва қобилият захираси ҳисобланади. Иккинчи навбатда, бу шундай захираки, у ёки бошқа бир мухитда инсон томонидан қайта ишлашга сарфланади ва меҳнат унумдорлиги ҳамда ишлаб чикаришнинг ўсишига имкон беради. Учинчидан, тўпланган билим, кўникма ва қобилият захирасининг максадга муофик ишлатилиши фаолиятнинг юқори унумдорлигида ишчи иш ҳаки (даромад)нинг ўсишига олиб келади. Тўртинчидан эса даромаднинг ошиши инсонни рағбатлантиради ва кизиктиради янги билим ва кўникмалар захирасини тўплаб, келажакда унумли кўллашга сабаб бўлади[14].

"Инсон капитали" тушунча доирасида юритилган ҳорижлик ва маҳаллий олимларимизнинг фикр ва мулоҳазалари, олиб борилган илмий талқиқотлардан шу нарса аён бўлмоқдаки "инсон капитали" инсоннинг даромад келтирадиган қобилиятлари эмас. Инсон капиталининг таянч асосини инсон қобилиятлари ташкил этади. У ишлаб

---

[10] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолати. Ўзбекистон 1997. 252 б.

[11] Каримов И.А. 2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланган, барча мавжуд имкониятлардан сафарбар этиш, ўзини оклаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йўлида. – Т.: Маърифат, 2014. 18 январ

[12] Академик С.Ғуломов, профессор Б.Ғойибназаровлар ҳам ўзларининг "Интелектуал салоҳиятдан фойдаланиш- тараккиёт таянчи" мавзусидаги илмий мақола . "Иктисодиёт ва таълим" журнали 2014 йил №1 сони, 5 б.

[13] А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. "Иктисодиёт назарияси". Дарслик. Тошкент давлат иктисодиёт университети. "IQTISOD-MOLIYA", 2014. – 180 б.

[14] Д.Д. Рустамова "Инсон капиталига инвестициялар ва уларнинг хусусиятлари" мавзусидаги мақола. "Иктисод ва молия" журнали. 2014 йил №7. 34 б.

махсус таълим, касб-ҳунарга тайёрлаш ва унинг ишлаб чиқариш тажрибаси асосида тўпланган билимлари, уларни қуллай олиш ва маҳоратини ифодалайди.

Инсон капиталининг мамлакат иқтисодиётига таъсири ва тутган ўрни иқтисодиётнинг микро даражадан тортиб макро даражагача муҳимлигининг ҳаётнинг ўзи исбот қилди. Ҳақиқатда, инсон капитали иқтисодий муносабатларга ишлаб чиқариш омили сифатида (микро даража) унга кириб боради ва инсон омилига айланади. У дастлаб индивидуал, яъни айрим кишиларнинг кобилияти сифатида майдонга чиқади, ишлаб чиқаришда жамоа ҳосил қилган ҳолда корпоратив капиталга, бутун мамлакат доирасида (макро даража) миллий капиталга айланади.

Агар масалага микро даражада қарасак инсон капиталини мамлакат иқтисодиётида ўрни бекиёсдир. Мамлакатда инсон капиталини яратилишига эътибор берилса, у биринчи иқтисодиётнинг уй хўжалигида яратилади. Инсон капиталини яратишда уй хўжалигидан ташқари давлат, корхона ва ташкилотлар ҳам иштирок этади, аммо уй хўжаликлар уни яратувчи бирламчи ва асосий буғиндир. Бу борада А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовлар шундай дейди: - "Уй хўжалиги истеъмоли ва жамғариши инсон капиталини яратиш ва уни ривожлантиришга хизмат қилади. Инсон капитали инсонни яратувчанликка қаратилган ақл-заковати ва куч-қудрати бўлиб, мамлакат ишлаб чиқариш муносабатларига хизмат қилади"[15].

Бундан ташқари инсон капиталини такроран яратилишида ўй хўжаликлари давлат ва фирмалар билан ҳамкорлик қилишади. Болаларни туғилиши ва уларни вояга етказиш таълим-тарбия, соғломлаштириш ҳаражатларини давлат ўз зиммасига олади. Давлат учун ўз фуқароларига бундай катта миқдорда маблағ сарфлаши энг манфаатли инвестиция бўлиб ҳисобланади. Давлат ушбу инвестициялар орқали, биринчидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилади, иккинчидан таълим тизими орқали уй хўжаликларига таъсир этиб, ундаги инсон капиталини шакллантиради ва ривожлантиради, учинчидан шаклланган инсон капитали бозор тизими орқали миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларига йўналтиради, улар банд бўлганларнинг касбий таркибини шакллантиради, саноат, қишлоқ хужалиги, хизмат кўрсатиш, соҳаларида фаолият кўрсатади.

Иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларида сифатли инсон капиталини мавжудлиги ушбу соҳа ва тармоқда инноватцияларни яратади, фаолиятни мустахкамлайди, рақобатбардошлик даражасини такомиллаштириб пировард натижада янгидан янги қиймат яратиб мамлакат миллий бойлигини оширади.

Бу борада жаҳон банки экспертлари 192 мамлакат доирасида олиб борган тадқиқотлари маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, ҳозирги пайтда умумий бойликнинг 20 % табиий бойликлар, 16 %и жисмоний капитал ва 64 %и инсон капитали ҳиссасига тўғри келаркан. Ривожланган мамлакатларда инсон капиталини улуши 80 % гача етади[16].

Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган "Инссад" халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги "Инновацияларнинг глобал индекси" маърузасида келтирилишича дунёнинг 141 мамлакатидаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган[17].

---

[15] А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. "Иқтисодиёт назарияси". Дарслик. Тошкент давлат иқтисодиёт университети. –Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2014. – 181 б.

[16] Ш.Акромова "Таълим хизматларига кўйилмалар- инсон капиталига инвестициянинг асосий шакли" мавзусидаги илмий мақола. "Иқтисодиёт ва таълим" журнали. 2014 йил №3 сони, 136 б.

[17] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" номли маърузаси./ Зарафшон газетаси, 2013 йил 22 январ 9-сон

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳақиқатдан ҳам инсон капитали юксалишининг муҳим омили экан. Мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш ва сифатини оширмай туруб миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашимиз кийин. Бунинг бирдан бир йўли эса келажагимиз эгалари булган ёш авлодни билим олишлари, яхши тарбияланишлари учун шарт-шароитларни яратиб беришимиз ва маблагни аямаслигимиз лозимдир.

ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ ДЛЯ СФЕРЫ ОБСЛУЖИВАНИЯ

Каримов М. СамИЭС, доцент
Каримова Ш. М. СамИЭС,ассистент

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Республикада хизмат кўрсатиш соҳасида малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш сифатини, туризмни келажагини белгилайдиган юқори малакали мутахассислар, яъни менежментларни тайёрлаш масаласи кўриб чиқилган.

На основании проведенных исследований рассмотрены проблемы повышения качества подготовки кадров для сферы обслуживания, основные факторы определяющие будущее туризма, создание рабочих мест, индустрия туризма, подготовка профессиональных кадров для индустрии туризма.

Based on the studies examined the problem of increasing the quality of training for the service sector, the main factors determining the future of tourism, job creation, the tourism industry, the training of professionals for the tourism industry.

На сегодняшний день туризм является одним из основных видов экономической деятельности, так как он непосредственно генерирует услуги, товары, иностранную валюту, занятость и инвестиции. Во многих странах доля туризма в валовом внутреннем продукте, создании дополнительных рабочих мест и обеспечении занятости населения весьма велика. Туризм оказывает огромное воздействие на целый ряд отраслей (торговлю, общественное питание, связь, транспорт, строительство, производство товаров народного потребления и др.), являясь катализатором социально-экономического развития целых регионов.

К основным факторам, определяющим будущее туризма, следует отнести: конкуренцию, информационные технологии, авиаперевозки, туроператорские услуги, а также политические и социальные условия развития. В последние годы мировая туристская индустрия сталкивается с постоянно растущим уровнем конкуренции между странами как внутри своего региона, так и за его пределами. В первую очередь на это указывают все более широкие, часто агрессивные меры рекламного воздействия при продвижении своего туристического продукта на внешних рынках. Кроме этого туристский спрос и туристское предложение зависят от ряда таких меняющихся факторов, как влияние политики, проводимое государством, экономическое и финансовое развитие, демографические и социальные изменения, развитие инновационных технологий.

Сфера туризма также является основным направлением создания рабочих мест. Она обеспечивает обширный спектр занятости от высококвалифицированных менеджеров 5-звездочных отелей до комнатных мальчиков, переводчики, ремесленники, работники транспорта и т.д. Более 200 миллионов мужчин и женщин во всем мире, работают в секторе путешествий и туризма, что эквивалентно примерно 8% от глобальной занятости. Женщины составляют 70% рабочей силы в сфере туризма, а половина рабочих в возрасте 25 лет. Одно рабочее место непосредственно в прямой индустрии туризма приводит к созданию примерно одно с половиной дополнительного (косвенного) рабочегоместа в